


Г.Х. БАКИЕВА, Д.М.ТЕШАБАЕВА

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЛИ



72  
Б19

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Г.Х. БАКИЕВА, Д.М.ТЕШАБАЕВА**

# **ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЛИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма  
сифатида нашрга тавсия қилинган*

**ТОШКЕНТ**  
**«O'ZKITOBSAVDONASHRIYOT»**  
**2019**

**УДК:**

**ББК:**

**Тақризчилар:**

**Саодат Мухамедова** – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

**Амрилло Каримов** – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент.

**Оммавий ахборот воситалари тили:** *Ўқув қўлланма* / Г.Х.Бакиева, Д.М.Тешабаева; – Т.: «O‘zkitobsavdonashriyot», 2019. –172 б.

Ушбу ўқув қўлланмада оммавий ахборот воситалари тили хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Замонавий матбуот ва электрон ОАВ (телевидение, радио, интернет) тилининг тенденциялари: стандартлик ва экспрессивлиги ва уларни матн тайёрлашдаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Назарий қоидаларнинг оммавий ахборот воситаларидан келтирилган мисоллар билан далилланганлиги талабанинг мавзуни кенгрок ўзлаштиришига имкон беради. Ўқув қўлланма журналистика факультетлари бакалаврият босқичининг 5220100–журналистика (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишлари талабалари учун, шунингдек, журналистика соҳасининг малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

**УДК:**

**ББК:**

**ISBN 978-9943-13-000-0**

© Г.Х.Бакиева, Д.М.Тешабаева, 2019  
© «O‘ZKITOBSAVDONASHRIYOT», 2019



## КИРИШ

“Оммавий ахборот воситалари тили” фани оммавий ахборот воситалари (ОАВ) тилининг ўзига хос хусусиятларини, тилидаги стилистика билан боғлиқ динамик жараёнларни, тилининг ижтимоий функцияларини ўрганади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур ўқув-қўлланма талабаларга медиа тилининг стандартлик ва экспрессивлик, журналист матни яратиш принципларини ўргатади.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев “...ҳалқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз” – деб таъкидлаганлар<sup>1</sup>.

Глобаллашув жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги жамиятнинг бирор бир соҳасини ОАВ тилисиз тасаввур этиш қийин. ОАВ имкониятларининг кенглиги уларнинг фаолияти ва тараққиёти, аудиторияга таъсирини ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб этади. ОАВ ҳақидаги фан – анъанавий методларга асосланган янги фанлараро йўналиш ҳисобланади. ОАВ тилининг шаклланиши уларнинг умумий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Аудиториянинг ахборотни қандай қабул қилиши уни узатишда қайси ахборот воситаларидан фойдаланилаётганлиги ҳам муҳим. Ҳар бир ахборот воситаси ўзига хос тил ва ахборотни актуаллаштириш услубларидан фойдалангани ҳолда, унинг табиатини шакллантиради, бу эса, ўз навбатида, борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга таъсир этади.

Ҳозирги вақтда жамият сон-саноксиз ОАВ орқали янгиликлардан тезда воқиф бўлишдек қатта ва тезкор имкониятларга эга бўлди. Ахборот қандай тарзда қабул қилинмасин, у, барибир, тил воситалари орқали ўз ифодасини топади.

Журналистика – ижодий жараён. Журналист ўз фикрини аниқ ва ёрқин тарзда ифодалаши лозим. Ундан фикр ва сўзларни ўз ўрнида қўллаш талаб қилинади.

ОАВ тилининг мақоми икки омилга, яъни биз тил истилоҳини қайси маънода тушунишимиз ва ОАВ тили миллий тилининг функционал турлари орасида қандай ўрин эгаллаб турганлигига боғлиқ бўлади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан табриги. <https://daryo.uz/k/2017/06/27/>

Ҳозирда ОАВ тили миллий тилининг барча функционал турлари орасида ҳукмрон ўринни эгалладики, унда барча функционал услубларнинг ресурслари мужассамлашган. Бошқача қилиб айтганда, ОАВ тили бугунги кунда, буни хоҳлаймизми, йўқми, миллий тилининг жамлама образидан иборатдир.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари нутқнинг энг таъсирчан ва мақбул шакли, жамоатчилик фикри, қарашлари ва кайфиятларини шакллантиришнинг самарали механизми сифатида намоён бўлаётганлиги эътироф этилмоқда.

Мазкур курс доирасида ўзлаштирилган билимлар турли кўринишдаги оммавий коммуникациянинг ўзига хосликларига доир – тушунча ва тасавурларни умумлаштириш билан бирга, коммуникатив жараёнларни тўғри англашга ҳамда муайян кўникмага эга бўлишга кўмаклашади.

Ўқитиш жараёнида мавзуларга оид турли кўргазмалар куруллар, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, чоп этилган манбалар, тарқатма материаллари ва тармоқ технологияларидан фойдаланилади.

“Оммавий ахборот воситалари тили” курси маъруза ва амалий машғулотлардан иборат.

Талаба-журналист билимларини аниқлаш учун 1 марта оралик, 2 марта жорий ва 1 марта якуний назорат ўтказилади.

Ўқув кўлланмада бугунги оммавий ахборот воситалари тилига қўйилаётган талаблар, матбуот жанрлари ва уларнинг тил хусусиятлари, ОАВ тилида экспрессивликни ифода қилувчи воситаларни тавсифлаш, ОАВ жанрларининг ички тармоқланиши, ҳар бир жанрнинг тили ва услубий хусусиятлари устида ишлаш, журналист матн тузиш принципларини эгаллашнинг аҳамияти тўғрисида ҳам фикр юритилади.

Мазкур ўқув кўлланма журналистика ва филология факультетлари талабалари, шунингдек, журналистика соҳасининг малака ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган.

### **Фанни ўқитишдан кўзланган мақсад**

Замонавий оммавий ахборот воситалари тили фани бўлажак журналистнинг касбий малакани эгаллашда, нутқий малакаларини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан биридир. Курснинг мақсади талабаларда оммавий ахборот воситалари тилининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тасаввур уйғотиш, уларга оммавий ахборот воситалари тилининг лингвистик хусусиятлари ҳақида билим бериш.

## **Курснинг вазифаси**

“Оммавий ахборот воситалари – тили” курсининг асосий вазифаларидан келиб чиқилган ҳолда талабаларга оммавий ахборот воситалари тилига қўйилаётган талаблар, матбуот жанрлари ва уларнинг тил хусусиятлари, ОАВ тилида экспрессивликни ифода қилувчи воситаларни тавсифлаш, ОАВ жанрларининг ички тармоқланиши, ҳар бир жанрнинг тили ва услубий хусусиятлари устида ишлаш, журналист матн тузиш принципларини газета жанрларининг ички тармоқланиши, ҳар бир жанрнинг тили ва услубий хусусиятлари ҳақида тушунчалар бериш кўзда тутилади.

### **Курс бўйича талабалар билими, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

“Оммавий ахборот воситалари тили” курсини ўқиб ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- матбуот тилининг ўзига хос жиҳатларини изоҳлашни билиши;
- газета жанрларининг лисоний-услубий хусусиятларини тавсифлаши;
- матбуотда интервьюнинг нутқий кўринишини ҳақида билимга эга бўлиши;
- теле, радиомулоқотнинг услубий хусусиятларини билиши;
- телевидениенинг айрим хусусиятлари ва тасвирий воситалар ҳақида билимга эга бўлиши;
- сўз ва тасвир мутаносиблигини ўрганиши;
- телевизион ва радионутқнинг асосий белгиларини (диалогизация, интимизация, индивидуализация) билиши;
- радио, телематннинг тузилиш принципларини интернет тили услуги таснифлашни билиши керак.
- глобал тармоқ жанри хусусиятларини

### **Курснинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“ОАВ тили фани” халқаро журналистика факультетининг 3-босқичида ўқитилади ва умумқасбий фанлар сирасига киради. Бу фанни ўзлаштириш учун журналистика, адабиётшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, психология, маънавият асослари фанларидан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилади. Мутахассисликка тааллуқли “Ҳозирги



замон ўзбек (рус) тили ва стилистика”, “ОАВда нутқий хатоликлар”, “Таҳрир санъати”, “Нотиклик санъати ва риторика асослари” сингари фанлар билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Шу боисдан мазкур фанлар бўйича талабалардан билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилади.

### **Курснинг амалиётдаги ўрни**

Оммавий ахборот воситаларида тил хусусиятларини ўрганиш ҳозирда долзарб бўлиб бормоқда. Шу сабабли мазкур фанга алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу курс умумқасбий фан сифатида ишлаб чиқариш, яъни ОАВ тизимининг ажралмас бўғинидир. Унинг таркибига кирувчи назарий билимларни эгалламай туриб журналист-мутахассис бўла олмайдди. Зеро, журналистика соҳасида ишлайдиган ижодкор бу фанга доир тилга оид билим, малака, кўникмаларни ўз фаолиятида қўллайди.

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТИЛИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ</b>	
1-§. Оммавий ахборот воситалари тилининг информацион-коммуникатив моҳияти .....	7
2-§. Оммавий ахборот воситалари матнининг шаклланишида лингвистик омилларнинг ўрни .....	17
3-§. Оммавий ахборот воситалари тилини лингвистик жиҳатдан ўрганиш тамойиллари .....	28
4-§. Публицистик услубнинг белгилари ва матбуотда намоён бўлиши ..38	
<b>2-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ГАЗЕТА ТИЛИНИНГ ЖАНР</b>	
<b>ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1-§. Газета тили ва услуби .....	50
2-§. Газета тилининг жанр хусусиятлари .....	63
3-§. Замонавий газета тилининг экспрессивлик тенденциялари .....	85
<b>3-БОБ. ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ</b>	
<b>ТИЛИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1-§. Телевидение тили ва услуби .....	97
2-§. Радио тили ва услубий хусусиятлари .....	116
3-§. Телевидение ва радио тилида экспрессивлик тенденциялари.....	132
<b>4-БОБ. ИНТЕРНЕТ ТИЛИ ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1-§. Интернет тилининг услубий хусусиятлари .....	139
2-§. Глобал тармоқ жанр тил хусусиятлари .....	150
<b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b> .....	155



## ОГЛАВЛЕНИЕ

**ВВЕДЕНИЕ** .....3

### **ГЛАВА 1. ЯЗЫК СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ И ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ**

1-§. Информационно-коммуникативные особенности языка средств  
массовой информации .....7

2-§. Роль лингвистических факторов в формировании текстов  
средств массовой информации .....17

3-§. Лингвистические тенденции изучения языка средств массовой  
информации .....28

4-§. Признаки публицистического стиля .....38

### **ГЛАВА 2. ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЯЗЫКА**

#### **СОВРЕМЕННЫХ ГАЗЕТ**

1-§. Язык и стиль газеты .....50

2-§. Жанровые особенности языка газеты .....63

3-§. Тенденции экспрессивности языка современной газеты .....85

### **ГЛАВА 3. ЯЗЫКА И СТИЛЬ ЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ**

#### **МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ**

1-§. Язык и стиль телевидение .....97

2-§. Язык и стиль радио .....116

3-§. Тенденция экспрессивности в языке телевидение и радио .....132

### **ГЛАВА 4. ЯЗЫК И СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ**

#### **ИНТЕРНЕТА**

1-§. Языковое средство Интернета .....139

2-§. Жанровые особенности глобальной сети .....150

**Список использованной литературы** .....155

## CONTENTS

<b>INTRODUCTION .....</b>	<b>3</b>
<b>1. LANGUAGE MEDIA AND THE CURRENT PROBLEMS OF STUDY</b>	
1.1. Information and communication features of the language of the media.....	7
1.2. The role of linguistic factors in the formation of media texts .....	17
1.3. Linguistic tendencies of language learning media .....	28
1.4. Signs of journalistic style.....	38
<b>2. GENRE LANGUAGE FEATURES MODERN NEWSPAPER</b>	
2.1. The language and style of the newspaper .....	50
2.2. Genre features language newspaper .....	63
2.3. Trends expressive language of the modern newspaper .....	85
<b>3. LANGUAGE AND STYLE OF ELECTRONIC MEDIA</b>	
3.1. Language and style of television .....	97
3.2. Language and style of radio.....	116
3.3. Trend expressive language television and radio.....	132
<b>4. LANGUAGE AND STYLISTIC FEATURES OF THE INTERNET</b>	
4.1. Linguistic means of the Internet .....	139
4.2. Genre features a global network .....	150
<b>LIST OF REFERENCES.....</b>	<b>155</b>